

оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4% пеня ёздаи ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чикимларини, сўнгра фоидаларни, унинг қолган қисми эса - қарзининг асосий суммасини узиш учун йўналтирилади.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлиmlарининг қирим қассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловнинг 100% миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўйилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай оғохлантиришларсиз оқова сувларни чикариб юборишни қарз ундирилмагунга қадар тўхташиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан саксонини ва санитариya ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Оқова сув чикариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда III-группа истеъмолчиларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва қор сувлари рұхсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чикариш оқова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча 3 (уч) баробарлик коэффициент татбиқ этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чикариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда инфлослантирувчи моддаларининг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов талабномаси ва ҳужжатда кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан тўлашдан оқоз этилади.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, "Таъминотчи" ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қўлаш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. "Таъминотчи" билан "Истеъмолчи" лар, шу жумладан ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувлари чикариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иنشотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) канализация учун - истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чикарув қудуги. Агар чикарувчи канализация қудуги (камераси) магистрал канализация тармоғига жойлашган бўлса, ушбу қудук ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисобланиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса истеъмолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

#### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иктисодий судида кўриб чикилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### VIII. Форс - мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилилла, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижаида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевоҳита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан оқоз этилади.

Мазқур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан қўн муддат тўқсонлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартнома газначилик бўлиmlларида рўйхатга олинган қундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хоҳиши иктирфлари билан шартномани янгиланмаган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

#### X. Тарафларнинг юридик манзил:

##### «ТАЪМИНОТЧИ»

Наманган сув таъминоти МЧЖ  
Худудий «Оқова тозалаш» бўлими  
Наманган шаҳар, 5 кичикноҳия 6А уй  
Тел: 232-49-94 факс 232-48-79  
x/p:22638000600306912468  
АТИБ Ипотека банк Наманган филиали  
МФО 00223 СТИР 200048456  
ХХТУТ

Раҳбар  
М.У. (Ф.И.Ш. имзо)  
« 10 » 2022 й.

Юридик ҳудоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида" ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос



##### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Манзил Наманган шаҳар 14-уй  
Тел: 69-114-2491 факс  
газ/х-р 234020600010001010  
Банк Ҳ.Т.Т.У.И  
Банк коди 300017 СТИР 201122919  
ХХТУТ 85310  
Шахсий рақам 1000101621440170972600051002  
Шахсий х-р  
Банк

Банк коди 300017 СТИР 207813510

Раҳбар  
М.У. (Ф.И.Ш. имзо)  
« 10 » 2022 й.

« 10 » 01 2022 й.

99000 90334

-сонли шартнома

2-группа Истеъмолчиларига оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 10 » 2022 й.

Ушбу шартнома «Наманган сув таъминоти» МЧЖнинг Худудий «Оқова тозалаш» бўлими, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низоом асосида фаолият юритувчи бўлиб бошқиси А.Слейманов шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритишувчи Надиржон Х.Т.Т.У.И Исломов асосида иш олиб борувчи директор Ҳ.Исломов (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилади:

#### I. Шартнома предмети

1.1. 20 \_\_\_\_\_ йилга сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан буён матнда II группа истеъмолчилари деб юритилади) учун  
1м<sup>2</sup> оқова сув учун 875 сўм (+ҲҚК 15%) + 10 сўм (максус устима ҳақ) ташкил қилмоқда.  
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 2386069 сўмни ташкил қилди (сумма ёзув билан)  
Шу жумладан, бюджет маблағларидан 2386069 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан \_\_\_\_\_ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II группа истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобовар-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали оқова сувини чикариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. "Таъминотчи" Истеъмолчи"ни ҳўжалик-манший ва ишлаб чикариш-технологик фаолияти натижаида ажраб чиккан ҳамда "Истеъмолчи"га индивидуал равишда ишлаб чикариб тасдиқланган Коммунал экологик норматив талабларига мос бўлган оқова сувларини қабул қилиб олади.

1.3. "Истеъмолчи" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги "Сув таъминоти ва сув чикариш қизмати кўрсатиш соҳасида сулов интизомини тўдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 5241-сонли Фармонига асосан "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чикариш хизматлари учун тўловларни 100% олдиндан амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чикариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чикариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик матнда - Қондалар деб юритилди), ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг 2019 йил "04" мартдаги 83-ф-сонли Фармошиига асосан 2019 йил 1 мартдан ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/м<sup>3</sup>, оқова сув хизматлари учун 50 сўм/м<sup>3</sup> максус устима ҳужаги этилган ҳақи асосий тарифга қўшиб тўлашни ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал оқова сув чикариш тизимига улашиш учун рұхсат этувчи ҳўжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. "Истеъмолчи" ушбу шартномага, унинг тасаруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг оқова сув тизимига улашишига эҳтиёжини, етказиб беришининг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нухасини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

1.6. "Истеъмолчи"га белгиланган оқова сувларни қабул қилиб олиш миқдорий лимити (м<sup>3</sup>):

Хизмат тури	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Жами
Оқова сув	753	753	753										

1.7. "Истеъмолчи" «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома орқали олиши, ўлчаш асосини кўрсаткичи бериши, қардорлиги ҳақида ҳамда ўлчаш асосининг ДНК муддати келганлиги тўғрисида оғохлантирилиши мумкин. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот ҳисобланади.

#### II. Умумий қондалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сўғориш, ҳовиллар, йўлакчаларига сув сеппи, ҳамда, ичимлик сувида автоматиналарни ювиш учун ўрнатилган вақтдан ташқари фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Оқова сув тизимларидаги оқова суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг ҳўжалик-истеъмол ва коммунал-манший эҳтиёжлари, оқова суви хизмати талаб этилган технология ва ишлаб чикариш жараёналари учун йўлқаланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, иктисосслашган истеъмолчиларга марказий оқова суви тизимларидан фойдаланиш имконини яратди.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар оқова сувини чикариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувини ҳисобга олиш асослари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тағмаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал ҳўжалиги ташкилоти томонидан тағмаланishi лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал оқова сув ташланма истеъмолчи ва минимал оқова сув ташланма истеъмолчига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатиладиган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда оқова сув ташланма истеъмол қилинганда, "Таъминотчи" ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатиладиган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация ҳўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишта тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг улашиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар талабига асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳўжатларни илова қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қондалар ва бошқа меъёрий ҳўжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан улашиш лойиҳаси ишлаб чикилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишта туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар оқова сув чикариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал оқова сув чикариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) оқова сув-коммунал ҳўжаликлар ва истеъмолчилар орасида, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига улашиш нуқтасидаги сув чикариш қудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чикариш оқова қудуги магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудук сув-коммунал ҳўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи мажбуриятлари билан.

#### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

##### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, оқова суви чикариш хизматларининг узлуқсиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳафз туғдирмайдиган даражадаги сифатли оқова сув хизмати кўрсатилиши талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.



в) тегишли сифат даражасидаги оқова сув тармоқларида хизмат кўрсатиш талабларини бажармагани учун "Таъминотчи"дан конунчилиқда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камда 15 кун олдин огоҳлангирган ҳолда ва ушбу муддатда оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) "Таъминотчи"дан оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларини ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг ласт сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

### **3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:**

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудда жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг мувофиқ равишда кўриқланишини, уларга сув тушиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўллариини бериш, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) "Истеъмолчи" ҳудудда ёки унинг тасарруфидagi оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидagi) оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.

г) коммунал оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг транзит нукталарида хар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;

д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;

е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига rioя қилиш, хар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларини ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларини "Таъминотчи"га жорий ойнинг охири кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортик ҳажмида оқова сувнинг ортик сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортик чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида оқова хўжалигинидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудда жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдagi кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларининг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) "Истеъмолчи" ҳудудда жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал оқова тизимларида хар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда окизилган оқова сув нарҳини тўлаши шарт.

### **3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:**

а) "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда, истеъмолчинин 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

б) "Истеъмолчи" ҳудудда жойлашган ва унинг тасарруфидagi оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларнинг техник ҳолати қоникарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига қўра бартараф этмасас;

в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудда жойлашган ва унинг тасарруфидagi бўлган оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалқат беришдан тақдирда;

г) "Таъминотчи"томонидан режалди олдини олиш таъмирлаш ишларини, оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидagi коммунал оқова сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал оқова сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал оқова сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига rioя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

### **3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:**

а) оқова сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) оқова сув хизматини қўрсатишни таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар оқова сув хизматидан фойдаланиш, санаятга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш;

г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз хисобидан ўрнатишдан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар оқова сув қувур хўжалигининг текширишини (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда қўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартномани шартларини бажармаган ҳолларида, жарима пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) оқова сув хизмати ва истеъмолчига оид меърий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;

ж) оқова сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар қўчга кирган қундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

### **VI. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларини бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарини, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарини ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизгини жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаларнинг ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) оқова сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш кўрсаткичларини қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларини ташқаридан аралашган ҳолда ўзгариши ҳолатлари учун;

в) конунчилиқда ўрнатилган тармоқларда бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчилик билан қурилган иншоотлар сабабидан тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизим мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудда жойлашган оқова тармоғига ёнғин ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабзарлик аниқланганда "Таъминотчи" ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3. "Таъминотчи"қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, қабул қилинаётган оқова сувнинг сифати ва конунчилиқда ва шартнома шартларида қўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга оқова сув чиқариш хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчилиқда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчилиқда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

### **V. Сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби**

5.1. Коммунал оқова сув хизмати тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) оқова сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚКСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдори тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмолчи қилинувчи совуқ сув миқдори оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2.0 коэффициентни қўлланади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсусдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) қўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти(скважина, очик сув хавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбасига эга бўлган ҳолатларда, "Таъминотчи" билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудук, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларини окизини учун тўловлар, ўрнатилган носозлик ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

### **VI. Алоҳида шартлар**

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, "Истеъмолчи" чикиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда "Таъминотчи" билан далолатнома имзоланиш шарт. "Истеъмолчи" чикиб кетган, сувни ҳисобга олиш асбоби ва глобаларининг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юқланади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигинидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган қундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб беришган ёки қабул қилинган ичимлик сувни ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятиндан келиб чикиб ойнаинг календар қунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суоқлик очиб ўталган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

### **Қуйидаги ҳолатларда:**

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Оқова сувни хизматидан билан ўзбошимчилик билан фойдаланиб, сув сепилганда,автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси шдан чиккан, сувнинг, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3. бандида кўрсатилганига мувофиқ, ёки сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)қунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан қўп қўлланадиш мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмас, сарфланган сув миқдори III-групп "Истеъмолчи"лар учун Қонаниннг 87-"б"банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг канализация тизими коммуникацияларидан (утечка) ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламига (тамгага) рухсатсиз тегилиш натижасида, оқова сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Оқова сув коммунал тизимларига (хонандон қувурларига) ўзбошимчилик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчилик билан уланиб олган шахсининг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда:

- тўлов муддати, ёки сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчилик билан уланиб олинган қун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган қунгача, ёки ўзбошимчилик билан уланиш ўзи ташланган қунга қалар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчилик билан уланиб олинган санандан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат давво арзаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчилик билан уланиш санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмас, бу муддат давво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирини ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки шартлари ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қ.билар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақиқдир.

6.7. Қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар арқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 қунлик муддат ичидки акцептсиз тартибда амалга



Илова

2022 йил 10 январдаги № 9900090334 шартнома 2022 йил учун


Наманган шаҳар Худудий оқова тозалаш иншооти

ОЙЛАР	Бирлик нархи 1- м,3	Микдори минг м,3	Суммаси минг сум		ОЙЛАР	Бирлик нархи 1- м,3	Микдори минг м,3	Суммаси минг сум	
			База	Индексация				(-) дебитор (+) дебитор	База
01.01.2022 й га									
Январ	1056,25	753	795356		Июл			0	
Феврал	1056,25	753	795356		Август			0	
Март	1056,25	753	795356		Сентябр			0,00	
<b>1-чорак жами</b>		<b>2259</b>	<b>2386069</b>		<b>3-чорак жами</b>		<b>0</b>	<b>0</b>	
Апрел			0		Октябр			0	
Май			0		Ноябр			0,00	
Июн			0		Декабр			0,00	
<b>2-чорак жами</b>		<b>0</b>	<b>0</b>		<b>4-чорак жами</b>		<b>0</b>	<b>0,00</b>	

Чораклик 2259 м3  
микдор

2 386 068,75 (икки миллион уч юз саксон олти минг олтмиш саккиз) сум 75 тийин  
(сумма, шундан; индексация)

Хизмат курсатувчи  А.Сулэйманов  
(мухр, имзо)

Истеъмолчи  Э.Т.Мадҳоликов  
(мухр, имзо)

